O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 11-MAY ■ SESHANBA ■ 57 (27.232) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ — ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ





**Юртбошимиз Фармони билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 Май мамлакатимизда мустақиллик йилларида Инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида тажассум этган муҳим тарихий санага айланди.**

Мазкур байрам бу гал Меҳр ва мурувват йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъмати, тириклик мезонларидир. Меҳр ва Мурувват — Хотира ва Қадр тушунчаларидан айро эмас. Зеро, қалби меҳр-муҳаббатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш, бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Зеро, Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари уларнинг сиймоси мангуликка дахлдор эканини сукут билан тасдиқлаётгандек. Ғамгузор Она қиёфасида изтиробли, шу билан бирга улуғвор умид акс этган...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, уруш йиллари ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб ҳалок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларнинг хотираси олдида бош эгади, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини, барча фахрийларни қадрлашимиз даркор.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда қатнашган. Агар аҳоли сонидан вояга етмаганларни, аёллар ва қарияларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни 3 миллион нафарга яқин қурол тутишга қодир кишининг ярми урушга кетгани аён бўлади.

420 минг киши урушдан қайтмаган. 640 минг нафар ватандошимиз жароҳат олган. Таассуфки, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган юртдошларимиз сафи йилдан-йилга сийраклашмоқда. Ўтган бир йил мобайнида беш ярим минг нафар уруш қатнашчиси вафот этди. Айни пайтда мамлакатимизда уларнинг сони қирқ минг нафардан ортмайди. Шундай экан, бу дунёда нафақат кексаларимизни, балки бир-биримизни авайлаб-ардоқлаб, қадримизга етиб яшашимиз лозим.

Ўзбек халқи ҳеч қачон бировга бош эгмаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам. Бунга тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бутун дунёга хавф солаётган терроризм балосига қарши курашда ҳам халқимиз жаҳон ҳамжамиятининг олдинги сафларида. Ҳозирги таҳликали замон, кечагина бошимиздан ўтказган террорнинг қонли оқибатлари кишиларимиздан мудом огоҳликни, ҳар қандай хавфга қарши бир тану бир жон бўлиб курашишни тақозо этмоқда. Биз ўз қадримизни ўзимиз биламиз — кучимиз ва қудратимиз ҳам шунда.

Бу ҳақда Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида батафсил фикр юритди.

Яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида гапирганда бир нарсага алоҳида эътибор бериш зарур. Адашганлар бор, уларни нотўғри йўлга бурган, ғаразли мақсад сари бошлаганлар бор. Аввало уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Адашиб, ёт кучлар таъсирига тушиб қолган, қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ёшларни, агар уларнинг ота-онаси, маҳалла-кўйи ўз кафиллигига олса, кечирамиз. Халқимиз бағрикенг, кечиримли, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари шу ерда бир гуруҳ ёзувчилар ва олимлар билан ҳам суҳбатлашди. Бунда, асосан тарихимизнинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалиши, уни теран ва холис таҳлил этишимиз, буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз матонати ва жасоратидан ўрганишимиз, тегишли хулосалар чиқаришимиз лозимлиги хусусида сўз борди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Ягона юртимизни, фарзандларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар ва нималар билан фахрланишимиз мумкин?», деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бориши зарур, деди Ислом Каримов.

Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбидан шу юрт, шу халқ билан ғурурланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш, куюнчаклик ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим. Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллатни, шу халқни улуғлаш учун яшаши керак. Ана шу туйғуни қалбига жо қилган, шу ғоя атрофида бирлашган халқни ҳеч қандай куч енголмайди.

Улуғ аждодларимизга хос бўлган савоб ва эзгу ишларни ҳамиша, ҳар куни қилмоғимиз шарт. Саховат ва мурувват билан юрт обод, кўнгиллар шод бўлади. Шу туфайли эл-юртга қут-барака инади. Азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққийпарвар инсоният танлаган қадриятларни ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Э.Воҳидов, А.Орипов, олимлар Х.Шайхова, Д.Алимова ва бошқалар кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

«Хотира китоби»нинг зарҳал варақларидан жанггоҳларда жон берган қуролдошларининг номларини кўздан кечираётган уруш қатнашчиси, кекса шоир Назармат бундай дейди:

— Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган бу зиёратгоҳга келганимда ҳар гал вужудимни ҳаяжон чулғайди. Душман ўқига учраб, умри хазон бўлган тенгдошларимни, юртдошларимни қалбда изтироб, кўзда ёш билан хотирлайман. Бошқа жиҳатдан, уларнинг номлари мана шундай эъзоз билан абадиятга муҳрланганидан, қадр топганидан таскин топаман. Инсон хотираси қадр топган бу юртни бошимизга кўтариб яшашимиз керак. Зеро, ҳар қандай бало-қазоларни енгиб ўтишнинг ягона йўли ҳам халқимизнинг жипслигида, аҳиллигида. Бу сўлим гўша наинки пойтахт, балки мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларидан келган зиёратчиларнинг севимли қадамжосига айланган.

— Отам урушга кетганида мен олти ойлик гўдак бўлган эканман, — дея маҳзун хотираларини сўзлайди Қашқадарё вилоятидан келган Турсунқул Жўраев. — У кишидан на хат-хабар, на қабр қолган. Ҳар йили баҳорда Хотира майдонига фарзандларим билан келиб отамни хотирлайман. Исми шарифи ёзилган «Хотира китоби»ни варақлаб, отамнинг руҳи поклари ҳамиша биз билан бирга эканини ҳис қиламан. Болаларим, невараларимга бизнинг дориломон кунларимиз учун курашда қурбон бўлганларни ҳамиша хотирлашни, тирикларни қадрлашни насиҳат қиламан.

Ҳа, мазкур муқаддас майдон наинки, Хотира ва Қадрлаш куни, балки, йил-ўн икки ой одамлар билан гавжум. Бинобарин, одамлар бу ерга томоша учун келмайди. Ўтганларни хотирлайди. Бу эса бугунги кунги тинч, фаровон ҳаётни қадрлашга ундайди. Чунки бу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида Ватанни ардоқлаш, уни кўз қорачиғидек асраш лозим, деган эзгу туйғу жўш уради. Зотан, шу азиз Ватан барчамизники, уни бало-қазолардан, турли ёвуз кучлардан мардона ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир...

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Суратда:** йиғилишдан лавҳалар.
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

# ФАОЛЛИККА ДАЪВАТ



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов республикамиздаги сиёсий партияларнинг бугунги фаолиятига тўхталиб, уларни фаолликка даъват этди ва керакли тушунча ва кўрсатмалар берди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари барча юртдошларимизни террорчилик, экстремизм ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашда янада ҳамжиҳат, огоҳ, бирдам бўлиб қатъий курашга, фидойиликка чорлади.

Бугун мазкур даъват ва фикр-мулоҳазалар жойларда кенг муҳокама этилиб, фуқаролар улардан тегишли хулосалар чиқармоқдалар.

Ана шундай тадбирлардан бири Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида ўтказилди. Мазкур учрашув Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Миллий тикланиш демократик партияси томонидан ташкил этилди. Унда институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Йиғилишни институт ректори, профессор Ҳамид Каримов кириш сўзи билан очди.

Учрашувда асосий масала яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XIV сессияси ва унда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, Президентимизнинг сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасига ҳамда март ойининг охири — апрель ойи бошида юртимизда содир этилган мудҳиш воқеаларга қаратилди. Шунингдек, сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, фаолият доираси, шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки ҳақида, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик ва Миллий тикланиш партияларининг мақсад ва дастурий ғоялари, парламентчилик фаолияти, матбуот нашрлари тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда ЎзХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ойниса Мусурмонова, Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раиси Иброҳим Ғафуров ҳамда Олий Мажлис депутати Гуландом Боқиевалар иштирок этди ва маъруза қилишди.

Учрашув очиқ, самимий ва мунозараларга бой бўлди.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



**Суратларда:** учрашувдан лавҳалар. **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# МАРКАЗИЙ КЕНГАШ КОТИБИЯТИДА

2004 йил 10 май куни Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси якунлари ва унда Республика Президенти И.А.Каримов томонидан сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, амалга ошириладиган тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги нутқи ва матбуот конференциясида билдирган фикрлари, хусусан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятига берган баҳоси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши V ва VII пленумлари қарорлари, умуман партиямизнинг мазкур масалалардаги нуқтаи назари билан ҳамоҳанглигини таъкидлаб, партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, уларни заифлик ва мўртлик ҳолатидан чиқариш, бўлажак сайловларга ҳар томонлама ҳозирлик кўриш масалаларига асосий эътиборни қаратди.

Марказий Кенгаш Котибияти муҳокама этилган мазкур масала юзасидан амалга ошириладиган Тадбирлар режасини тасдиқлади.

Шунингдек, мажлисда партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

**Партия хабарлари**

# САЙЛОВОЛДИ АМАЛИЙ ЁРДАМ

Маълумки, республика Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган XIV сессияси ишида сиёсий партиялар фаолиятига жиддий эътибор берилди. Президент И.Каримовнинг матбуот конференциясида ушбу масала юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилганлиги ҳамда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси пайтида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргани ва ниҳоят мазкур Қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир.

Сиёсий партияларга эътиборнинг кучайиши ҳаёт тақозоси, давр талаби. Зеро, фуқаролик жамиятининг демократик институтларидан ҳисобланмиш кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамламай, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини кучайтирмай, нуфузини оширмай бундай жамиятни бунёд этиш амримаҳол. Шу боисдан сиёсий партияларнинг оёққа туриб олиши, халққа танилиши, ижтимоий сиёсий жараёнларда иштирок этишини таъминлаш мақсадида уларга ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, давлат уларнинг фаолиятини молиялаштиришни бундан буён ўз зиммасига олган бўлса, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти уларга услубий ёрдам кўрсатиш, тавсиялар беришни йўлга қўйди.

Айниқса, институт томонидан сиёсий партиялар вакиллари учун ўтказилаётган семинар-тренинглар, мулоқот ва анжуманларнинг аҳамияти катта. Уларда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва намояндалари парламент, сиёсий партиялар, сайловлар ҳамда қонунчиликка оид илғор хорижий ва маҳаллий тажрибалар тўғрисида маърузалар тинглаш, улар юзасидан баҳс-мунозараларда иштирок этиш, бир-бирининг қарашлари билан танишиш, ўз нуқтаи назарини ифода этиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Шу жиҳатдан олганда институт томонидан ўтказилган «Сайлов кампаниясида ташвиқот ва реклама» мавзуидаги семинар-тренинг ҳам сиёсий партиялар учун жуда фойдали бўлди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори, академик Раъно Убайдуллаева, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Аъзамхон Ҳакимов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раҳбари Исфандиёр Латипов ўз ташкилотларининг сайловларга дахлдор имконият ва вазифалари билан сиёсий партиялар вакилларини таништирган бўлсалар, таниқли олим ва журналист Файзулла Мўминов сайлов кампаниясида ташвиқот ва реклама технологиялари, уларнинг хусусият ва аҳамияти ҳақида қизиқарли маъруза қилди.

Семинар мавзусининг муаммоларига бағишланган мулоқот ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Марказий Кенгаш котиби Михаил Ельшов бошчилигидаги Ўзбекистон ХДП вакиллари ҳам тренингда фаол қатнашдилар.

**Собир ҚУРБОНОВ,**
**Валижон АБДУСАМАТОВ**

# МАНГУЛИК

*Марҳумлар кетдилар мангулик сари,*
*Кетганлар ҳеч қачон қайтиб келмайди.*
*Топганин қолдириб кетишар бари,*
*Дардларин бировга айтиб келмайди.*
*Тирикларга даркор ёруғ бу жаҳон,*
*Бахт керак, тахт керак, мартаба керак.*
*Одам бўламан деб танда ширин жон,*
*Адойи тамом ҳам бўлади юрак.*
*Бўлайлик, яхшилар, бир жону бир тан,*
*Бири биримизга тутайлик елка!*
*Бизлар аҳил бўлсак, бутундир Ватан,*
*Бошимиз силайди улуғ халқ, ўлка!*
*Бир бор берилади инсонга умр,*
*Бўлмасин тириклар хору зор, ночор.*
*Кўзи очиқликда берайлик Меҳр,*
*Кўзлар юмилганда барчаси бекор!*
*Мардлигу тантилик ва бағрикенглик,*
*Шавқату шафоат — Ўзбегимга хос!*
*Бўлсин элу юртда тотувлик, тенглик,*
*Эзгулик, Адолат — умрга асос!*
*Ўтганлар пок руҳин ҳар вақт этиб ёд,*
*Қолайлик, азизлар, буткул савобга!*
*Тириклар кўнглини дилдан айлаб шод,*
*Яшайлик беминнат ўхшаб Офтобга.*

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ҲУҚУҚШУНОСЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвон-зода бошчилигидаги ҳайъат ГФРда бўлиб қайтди.

Ташриф давомида мамлакатимиз вакиллари Германия федерал адлия вазирлиги давлат котиби Х.Гайгер, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги давлат котиби Э.Штатер ҳамда Берлин шаҳар сенати адлия департаменти раҳбари В.Кребс билан музокаралар ўтказди.

Мазкур мулоқотлар чоғида томонлар фуқаролик, процессуал, жиноий, суд-маъмурий ҳуқуқи масалалари, жазони ўташ амалиёти борасида фикр алмашдилар. Немис ҳуқуқшунослари Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги мавқеини юқори баҳолаб, келгусида терроризмга қарши кураш, шунингдек, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон ҳайъати Бремен, Карлсруэ ва Лейпциг шаҳарларига ташриф буюриб, Германия адлия муассасалари фаолияти билан яқиндан танишди.

**Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 11 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 705,17 | 1 Малайзия ринггити | 265,59 | 1 ЕВРО | 1194,69 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1797,22 | 1 Польша злотийси | 253,61 | 10 Жанубий Корея вони | 8,52 |
| 1 Дания кронаси | 160,62 | 1 СДР | 1470,68 | 10 Япония иенаси | 89,70 |
| 1 БАА дирҳами | 274,75 | 1000 Туркия лираси | 0,67 | 1 Россия рубли | 34,85 |
| 1 АҚШ доллари | 1009,11 | 1 Швейцария франки | 722,49 | 1 Украина гривнаси | 189,38 |
| 1 Миср фунти | 163,55 | | | | |
| 1 Исландия кронаси | 13,60 | | | | |
| 1 Канада доллари | 726,87 | | | | |
| 1 Хитой юани | 121,92 | | | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Огоҳлик

# ...ЎЗИНИ АСРАГАН ДУНЁНИ АСРАЙДИ

## ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИК ТУЗОҒИГА ИЛИНИБ, ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ, ОИЛА АЪЗОЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ

Шу кунларда Наманганда ўтаётган катта-кичик тадбирларда, ўзаро суҳбатларда Президентимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқи, Республика Олий Мажлисининг халқимизга Мурожаатномаси асосий мавзу бўлмоқда.

Тинчлик ва барқарорликни асраш деганда одамлар биргина урушни эмас, терворнинг ҳам олдини олишни тушуниб етди бугун. Бўлаётган воқеа-ҳодисалар, фожиалар одамларни ўйлашга, хулоса чиқаришга ундамоқда.

**Нажмиддин Муйдинов** вилоят босмахонасида ишлайди, ҳалол, самимий ва дилкаш киши. Кексайган чоғида маҳзун бўлиб қолди. Алам, изтиробдан юраги қон. Додини кимга айтсин, тўрт нафар қизидан ҳам кўра меҳрлироқ ўстирган ёлғиз ўғли 1999 йил «Хизбут-таҳрир»чиларга қўшилиб қолгани учун ЎзРЖКнинг 159-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган.

— Туриб-туриб, сира ишонолмайман. Ақли-хуши жойида бўлган кап-катта болам қачон, қандай қилиб бу номардларга қўшилиб қолдийкин? Икки норасидаси бор. Келиним ҳам муносиб жойдан. Қудаларимиз ҳалол, муҳаббатли одамлар. Бирор нарсадан ўксиб, зада бўлиб қолган жойи йўқ эди. Уни тарбиялашда қай жиҳатдан хато қилдик, деб онаси билан тун-кечалар тўлғониб чиқамиз. Тўй қилиб, қизимни турмушга узатувдим. «Тўйингда қатнашолмаганим учун мени кечир» деб ёзибди у синглисига. Мен бунинг учун ўша «таҳрир»чиларни кечирмайман...

Отанинг минг пушаймонлик билан кўзларига ёш олиши ғоят ачинарли, албатта. Аммо ҳар бир ота-она эртага «аттанг» деб қолмаслиги учун боласига бугун бефарқ бўлмаслиги кераклигини билармикин?

У истиқомат қилаётган Наманган шаҳрининг «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинига бордик. Маҳалла оқсоқоли билан суҳбатлашиб, бундайин надоматли кайфият шу ҳудуддаги яна ўнта хонадонда ҳукмронлигини билдик.

Қўқон кўчаси, 99-уйда истиқомат қилувчи 73 ёшли меҳнат фахрийси **Носиржон ота Нуғмонов**нинг нолалари шунчаки афсус эмас.

— Меҳнат фаолиятим асосан вилоят коммунал хўжалиги бошқармаси бош муҳандислигида кечган. Олти фарзандим бор. Иккинчи ўғлим Илҳомжоннинг хато йўлга киргани онасини, ака-ука, сингиллари-ю қариндош, қўшниларни ҳам юзини ерга қаратди. Олий маълумотли, оилали, икки фарзанднинг отаси бўлган боламдан кўнглим тўқ эди. У Қуръон ўқишга қизиқиб қолганини, бунинг учун арабчани ўрганишга аҳд қилганини айтганида дину диёнат, инсоф-тавфиқ ҳақида ўйлабману, кимлар билан, қаерда, қандай масалалар билан шуғулланиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмабман. 2001 йилда унинг «Хизбут-таҳрир»га аъзо экани маълум бўлди. Алоҳида ҳовлига кўчириб қўйгандик. Катта бўлиб қолди, касб-корли, ҳовли-жойли қилиб қўйдим, деб бепарво қолдик...

«Маданий» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам Наманган шаҳрининг марказида. Маҳалла посбони Исмоилжон Қориев билан суҳбатлашарканмиз, маҳаллада жами 12 киши экстремистик гуруҳлардаги иштироки учун қамалган бўлиб, ҳозиргача уларнинг 5 нафари афв билан озодликка чиқарилганини билдик.

— Озод этилганлар маҳалладошлар назоратида, шаҳар, вилоят ҳокимликлари ва ҳуқуқ органлари кўмагида тинч меҳнат билан машғул, — дейди посбон. — Адашганларнинг ота-оналарига, туғишганларига қийин. Улар маънавий жиҳатдан эзилиб қолишган.

«Хизбут-таҳрир»чилардан жафо кўрганлардан бири — **Рашидхон Қаҳҳоров.**

— Оилада 7 фарзандмиз, — дейди у. — Ота-оналаримиз ҳалол-пок яшаб ўтиб кетишган. Новвойчилик қилиб бинойидек яшаётган акам Муталжон ва кенжа укамиз Расул шу оқимга кириб қолишган экан. Акам 16 йилга қамалганди, ўтган йили афв этилиб, озодликка чиқарилди. Укам ҳали қамоқда. Жуда ювош, меҳнаткаш эди. Гумон қилиниб ички ишлар бўлимига чақирилганида хафа ҳам бўлувдим. Кейин суриштириб билсам Охунов Расул деган синфдош ўртоғининг уйидаги йиғилишга борган ва уларнинг таъсирига берилган экан. Охунов Расул ҳозир дом-дараксиз, қаергадир қочиб кетган. Мана энди укамнинг учта боласи билан хотини ҳам сарсон, биз ҳам абгор.

Маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлашиб ўтирганимизда соддагина кийинган, сўзлари ҳам содда бир аёл «адашганлар тўғрисида суриштираётган мухбирга учрамоқчийдим», деб келиб қолди. Унинг кўзларидаги мунг қатида аллақанча умидворлик бор эди. Ўзини **Насибахон Мамадалиева** деб таништирган аёл аввалига ўксиб-ўксиб йиғлади.

— Турмуш ўртоғим Анваржон Расуловни кўргани борганимда «Афв сўрадим, яна сўрайман. Кечириб, бу ердан чиқариб юборишса, ҳеч қачон бунақанги расво йўлга кирмайман», деб минг пушаймон бўлиб ўтирибдилар. Ўзлари Наманган АТСда инженер бўлиб ишлардилар. Тўрт нафар фарзандимиз бор. Тўнғичимиз 20 ёшга кирди. Болаларимга қараб бир эзилсам, қайнона-қайнотамга қараб яна эзиламан. Хонанг куйгур ўша ҳизбутчилар қандоқ бало-ю азим эканки, шунчалик қайғуларга дучор қилди бизларни. Кечаги сессияни кўриб, Президентимизнинг гапларини эшитиб кўнглимга ёруғлик кирди. Эрим кечирим сўраб, тавба қилганлар. Зора тезроқ авф қилиб, оиламизга қайтаришса...

Адашиб, билиб-билмай шайтон йўлига кирган ҳар бир кишининг ортида оиласи, фарзандлари, ота-онаси боши эгик, юраги қон бўлиб юрибди. Уларнинг дардларини эшитиб, шундай хулосага келдик. Террор — инсоннинг онгига, юрагига, жисму-жонига ташланиб турган жуда хавфли вабо экан. Агар озгина бепарво қолинса боламизни, инимизни, ёндош, жондош кишиларимизни ўз домига тортиб кетиши мумкин экан.

Инсон билган нарсаларидан эмас, балки билмаган, англаб етмаган нарсаларидан қўрқиб яшайди. Билмасликдан, англамасликдан қутулиш, мавҳумликларга чек қўйиш учун ахборот излашимиз, асосли хабарлар билан ҳамиша ҳушёр, сергак, огоҳ бўлишимиз шартлигини тобора чуқурроқ англаяпмиз.

Бир неча ота-она билан суҳбатлашдик. Уларнинг дардлари, фожиалари, фикрлари деярли ўхшаш. Ҳар бирининг гапида афсус-надомат. Беихтиёр хаёлга бир фикр келади. Агар улар ҳозирги ташвишлари, чоп-чопларидан ўндан бирини вақтида болаларига сарфлашганда эди... Болаларини бало-қазодан асраб қоларди, ўзлари ҳам бу кўйга тушмаган бўлишарди.

Оталардан бири исмини кўрсатмаслигини сўраб шундай деди:

— Дардим ичимда. Аслида ҳаммасига биз ота-оналар айбдормиз. Лоқайдлигимиз учун болаларимиз террорчилар қўлида қурбон бўлишяпти.

Ёвуз ниятли қузғунлар — террорчилар тортиб олмасидан, алдовлар билан ўз таъсирига туширмасидан бурун болаларимизнинг жисми-жони билан онг-шуурини, қалбини ҳам бус-бутунлигича асрашимиз, муҳофаза қилишимиз ҳар биримиз учун фарзу қарз. Ўзини асраганни эса Худо ҳам асрайди. Ўзини асраган оламни асрай олади, деган ҳикматли гап бор.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Нуқтаи назар

**Тизимни эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви, ваколатларни чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш замини қаердан ва нималардан бошланади? Сифат жиҳатидан янги масалалар ва шартлар ҳамда амалий тажрибаларга таянилган ислоҳотлар борасида иқтисодиёт фанида рўй бераётган ўзгаришлар қайси босқичларни ва қайси жараёнларни ўз ичига олмоқда?**

**Таҳририятимизнинг ушбу мавзудаги саволларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти директори ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.РАСУЛЕВ жавоб беради.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН: ИҚТИСОДИЁТ, ИҚТИСОДИЙ

**— Алишер Файзиевич, бугунги кунда жаҳон иқтисодиёт фанида Ўзбекистон иқтисодий фани тараққиёти нуқтаи назаридан қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда деб ўйлайсиз?**

— Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиёт фани тараққиётида жиддий ўзгаришлар рўй бераяпти. Натижада, илм-фанда илгари гўё анъанадек бўлиб қолган, аммо бугунги замонавий иқтисодий воқеликка тўғри келмайдиган кўплаб тасаввурлар эскирди. Бундай ўзгаришлар илм-фан олдига янги йўналишлар ва тенденцияларни ишлаб чиқиш заруратини қўймоқда. Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришларни жаҳон бўйлаб XX асрнинг охирида, ва айниқса, учинчи минг йиллик бошида содир бўлган глобал силсилалардан айри ҳолда кўриб бўлмайди.

Ҳаётнинг ўзи ва содир бўлаётган воқеалар мантиғи Ўзбекистон иқтисодий тафаккури ривожига муттасил ортиб бораётган қизиқиш уйғотмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг дастлабки фундаментал асарларидан бири — **«Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос модели»** китобида ёзганидек, **«Сифат жиҳатидан янги масалалар ва шартлар, амалий тажрибадан келиб чиқиб, асосан ўз кучимизга таянган ҳолда республикада иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга нисбатан янгича ёндашувларни ҳаётнинг ўзи талаб этади».**

Республикамиз мустақилликка эндигина эришган пайтдаги халқ хўжалигининг шаклланган таркибини: менинг нуқтаи назаримда, бозорга хос бўлмаган, фақат харажат кўрсаткичларигагина йўналтирилган, илмий-техник ютуқларни қабул қилишга қодир бўлмаган, юқори технологик жараёнлар амалиётда умуман қўлланмаган ва хомашё йўналишигагина эга бўлган таркиб дея тавсифлаш мумкин эди.

Айни пайтда шундай фикр ҳам борки, ёнилғи, қора ва рангли металлар, кимёвий хомашё қазиб олишга ихтисослашган мамлакатлар ривожланган давлатларнинг хомашё базасига айланган ва улар истиқболда ривожланиш имконига эга эмас эдилар. Бундай нуқтаи назар, айниқса, ахборот технологиялари ривожланиши муносабати билан кенг оммалашди.

Албатта, бундай тахминлар замирида жаҳон иқтисодий тараққиётининг объектив тенденциялари ўрин олганлигини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, XX асрдаги сўнгги йигирма йил давомида хомашё нархи саноат маҳсулоти нархига қараганда 45 фоизга камайди. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш манфаатлироқ бўлиб қолди.

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, биринчидан, ахборот иқтисодиёти таркибида хомашё сектори учун жой қолади (АҚШда масалан, у 10 фоизга тенг), иккинчидан, фойдали қазилмаларни олиш иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилмайди. **Энг муҳими — табиатдан фойдаланишда қандай стратегияга амал қилиш ва хомашё экспортидан тушадиган маблағларни нималарга йўналтиришда.** Агар жаҳон тажрибасига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қатор моделларни ажратиш мумкин. Хусусан, 70-йилларда Лотин Америкаси мамлакатлари асосий эътиборни хомашё экспортининг кўпайишига қаратди. Бунда улар сармоянинг чет элга ноишлаб чиқариш соҳаларга чиқиб кетиши ёки чайқов битимларига сарфланишининг олдини ола билишмади. Натижада 80-йилларнинг охирида иқтисодий ўсиш суръати ушбу мамлакатларда 5-7 маротабага қисқарди.

**— Мустақиллик йилларида Иқтисодиёт институти томонидан қандай тадқиқотлар ўтказилди ва қандай натижаларга эришилди?**

— Иқтисодий стратегиянинг мақсадли режаларини ишлаб чиқишга киришишдан олдин институтимиз олимлари ўтиш даври вазифаларининг фавқулодда мураккаблигини яхши англаб етишди. Соф илмий қийинчиликлардан ташқари, бизга тарихий хотиралар ҳам таъсир кўрсатиши, табиий эди. Ва айни пайтда, шу нарса ҳам аён эдики, уларнинг якуний мақсадларини, бошланган ўтиш ёки трасформациявий жараёнларни аниқ билмасдан туриб, радикал ислоҳотлар ўтказиш мумкин эмас эди. **Бундай мураккаб масалани ҳал қилишга умумжаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий тенденциялари таҳлили, мамлакатнинг демографик ўзига хослиги, Ўзбекистонда яшайдиган аҳоли анъаналари ва руҳий олами нуқтаи назаридан келиб чиқувчи хулосаларга таянилди.**

Олимларининг таклифлари шундай мантиққа асосланадики, 90-йилларда давлат мустақиллиги ҳамда суверенитетга эришилгач, иқтисодиётнинг реал секторида жиддий ўзгаришлар ясаш, уни ривожланишнинг янги босқичига кўтариш ва шу асосда йиғилган муаммоларни ҳал этишга эришиш ўта зарурат эди. Шу боисдан ҳам биз, дастлаб Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланиш жараёнларидаги назарий муаммолар ва бозорга хос ўзгаришларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий бозор тизимларидаги ўзаро алоқадорлиги сингари масалаларга алоҳида эътибор бердик. Натижада, **давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш асосида мулкчилик шаклини ўзгартириш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг самарали усуллари устида қаттиқ ишлашга тўғри келди.**

ХДП ҳаёти

# ЖАНГОВАРЛИК СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУР

## — дейишмоқда Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган ЎзХДП аъзолари

Корхона бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ўртага ташланган масалалар танқидий баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Йиғилишда корхона бошланғич партия ташкилотининг 1999-2004 йиллар мобайнида жамоада олиб борган фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Маърузачи Зайнаб Маннабова ўз сўзида корхона ишчи-хизматчиларининг ижтимоий аҳволи, уларнинг муаммолари ҳақида тўхталиб ўтди.

— Корхонада юзага келган вазиятдан қутилиш учун турли баҳоналар излаш ярамайди, — деди **«Электрокимёсаноат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳотам Саидаҳмедов.** — Ундан кўра, муаммонинг ечимини топиш йўлларини биргаликда излашимиз лозим. Корхонада бошланғич партия ташкилотининг фаоллиги етарли эмас. Корхонамиз ишчи-хизматчилари орасида ЎзХДПнинг дастури, режалари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари етарлича олиб борилмаяпти. Ўзингиз ўйланг, 6 минг 300 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган йирик бир жамоада атиги 40 нафар ХДП аъзоси борлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу корхона бошланғич партия ташкилотининг жамоада олиб бораётган ишлари сустлигидан далолат бермайдими? Партия ташкилоти халқнинг талаб ва хоҳишларини ифодалаши, сўзда эмас, балки амалда кишиларга ҳар томонлама ёрдам бериши лозим. Агар, биз корхонамиз ишчи-хизматчиларининг оилавий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилсак, бошланғич партия ташкилоти улар онгида Ватанга муҳаббат, эртанги кунга ишонч каби туйғуларни шакллантиришга кўмаклашса, партиянинг ҳам обрўси ошади, оммага танилади.

— Тўғри, ҳозир бизнинг корхонамизда ҳам иқтисодий қийинчиликлар йўқ эмас, — сўзини давом эттирди бошқарув раиси. — Аммо, ишчилар бундан нолишлари керак эмас-да. Сабаби бизда ҳар бир ишчининг ойлик маоши ўртача 150-200 минг сўмни ташкил этади.

Корхона бошланғич партия ташкилоти ўтган беш йил мобайнида ЎзХДП дастурий мақсадлари, оммавий ва сиёсий йўналишларда партия аъзолари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, партия сафларига қабул масалаларида ҳануз сансалорликка йўл қўйилаётганлиги, тарғибот-ташвиқот ишларининг сустлиги, оммавий-сиёсий тадбирларнинг номигагина ўтказиб келинганлиги ҳам танқид остига олинди.

**— Партиялар нима учун тузилади? Улар халқимиз сиёсий ҳаётида қандай ўрин тутади?** — шундай саволларни ўртага ташлади «Электрокимёсаноат» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси раиси **Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ**. — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тузилганига мана 13 йил бўляпти-ки, жамоамизнинг асосий қисми ҳануз унинг дастурий мақсадлари, мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги мавқеидан бехабар. **Бошланғич партия ташкилотлари жойларда нима билан шуғулланишмоқда?** Корхонамизда «Кимёгар» газетаси чоп этилади. Мазкур газетада партия ҳаётига оид чиқишлар қилиб турилса, жамоага ЎзХДП дастури, унинг мазмун-моҳияти тушунтириб борилса...

**Дониёр АЗИЗХЎЖАЕВ: ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши биринчи котиби:**

— Биз «Электрокимёсаноат» акциядорлик жамиятини Чирчиқ шаҳрининг асос солинишига сабаб бўлган йирик корхона сифатида биламиз. Бугун бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши танқидий баҳс-мунозараларга сабаб бўлишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Биз корхона бошланғич партия ташкилотининг котиби жамоада қандай фаолият олиб борганлигининг гувоҳи бўлдик. 150 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган, 1386 нафар ЎзХДП аъзоларини ўз сафларида бирлаштирган Чирчиқдек саноатлашган шаҳарда партиявий ишларни бу йўсинда олиб бориш асло ярамайди. Шаҳар ўзининг кучли депутатлик корпусига эга. Ҳозирда Чирчиқ шаҳридан Олий Мажлисга 1 та, вилоят Кенгашига 2 та ва 15 нафар депутат шаҳар кенгашига ЎзХДПдан сайланган. Улардан кўп ҳолларда тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Тўғри, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз қаровчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишдек хайрли ишларга бош-қош бўлишмоқда. Шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётида, оммавий тадбирларда партиямиз аъзолари фаол иштирок этишмоқда. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, қатор бошланғич партия ташкилотларимиз фаолиятида, худди «Электрокимёсаноат» корхонаси бошланғич партия ташкилотидагидек нуқсонлар ҳам учраб турибди.

— Олдимизда ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифа турибди, — деди ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби **Собиржон УСМОНОВ.** — У 2004 йилнинг декабрь ойида парламентга, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардир. Шундай экан, жойлардаги партия ташкилотларимиз мавжуд камчиликларни бартараф этиб, жанговарлик руҳида ҳаракат қилишлари, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. Айниқса, ҳозирдан жойларда, халқимиз орасида тушунтириш ишларини кучайтириш зарур.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилий масала кўрилди. «Электрокимёсаноат» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Ўткир Тошмуҳаммедов корхона бошланғич партия ташкилотининг котиби этиб сайланди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов иштирок этди.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**ХДП Олмалиқ ва Янгийўл шаҳар, Бектемир, Бўз, Бўка, Китоб, Оққўрғон, Паркент, Пастдарғом, Сергели, Собир Раҳимов, Учқўрғон, Шаҳрисабз, Ҳамза туман ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашларининг** бўлиб ўтган пленумларида асосий эътибор партия тузилмаларининг ишларини яхшилаш, уларнинг эътибори аҳоли диққат марказидаги муаммоларга, халқнинг талаб ва манфаатлари ифодаланишига эришиш каби масалаларга қаратилди. Партия кенгашларининг биринчи котиблари Б.Шоматов, А.Маҳмудхонов, Ҳ.Рўзиметов, А.Қодиров, С.Бўриев, С.Қурбонов, Ф.Мўминов, Х.Исаева, Ғ.Амиров, Л.Исматова, А.Саидов, Д.Зайниев, М.Остонов, Ш.Файзиев, И.Бердиевларнинг маърузаларида булар тўғрисида батафсил айтиб ўтилди.

Пленумларда сўзга чиққан партия фаоллари шу йил охирида бўлиб ўтадиган ялпи сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳамда партиянинг янги таҳрирдаги Низоми лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши** партия Уставининг (янги таҳрири) лойиҳаси тўғрисида фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганмоқда. Лойиҳани ўрганиш осон кечиши учун унинг матни «Қорақалпақстан хаўази» газетасида қорақалпоқ тилида босилди.

**Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби** Л.Ғуломов «ELNAJOT» хотин-қизлар ташкилоти фаоллари билан учрашди. Партия кенгаши етакчиси йиғилганларга Ўзбекистон ХДП томонидан амалга оширилаётган ишлар, партиянинг парламент ислоҳотларига қўшаётган ҳиссаси ҳақида ахборот бериб, аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ва бунга тўсиқ бўлаётган баъзи камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтди.

**ЎзХДП Сергели туман кенгаши** «Қора металлни қайта ишлаш» корхонасида «Доно» нодавлат ташкилоти ҳамда партия кенгаши қошидаги «Ҳаёт мактаби» клуби билан ҳамкорликда «Терроризмга қарши кураш» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказди. Халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати В.Куҳеванов ва Сергели туман партия кенгаши биринчи котиби Л.Исматова тадбирда йиғилган ёшларга терроризм, огоҳлик ҳақида сўзлаб, сайловлар тўғрисидаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бердилар.

Мазкур туман партия кенгаши қошида тузилган «Ҳаёт мактаби» клуби аъзолари Собир Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйининг ўқувчилари билан учрашдилар. Клуб ёшлари томонидан меҳрга муҳтож болаларга совғалар улашилиб, бадиий дастур намойиш этилди.

**ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши** ҳамда ногирон тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш «Нур» ассоциацияси таъсисчилигида «MEHR QADAM» ногирон спортчилар уюшмаси ташкил этилди. Мазкур уюшмани ташкил қилишдан мақсад ногиронларни реабилитация қилиш давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ногиронларни спортга жалб қилиш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишдир.

Уюшманинг таъсис конференциясида шаҳар партия кенгаши котиби В.Медведев партия ташкилотларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

**ХДП Ўртачирчиқ туман кенгаши** томонидан Хотира ва Қадрлаш куни олдидан бир гуруҳ афғон уруши қатнашчиларига қимматбаҳо совғалар улашилди. Совғаларни ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов, Ўртачирчиқ туман ҳокими ўринбосари А.Аҳмедов, туман партия кенгаши биринчи котиби Ф.Абдужабборовлар топширишди.

**Тошлоқ туман партия кенгаши** Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинида ёш келинлар ўртасида «Бекажон» кўрик-танловини ўтказди. Тадбир ёшларни турмуш қийинчиликларини енгиб ўтишга тайёрлаш, уларни миллий қадриятларимизни қадрлашга ўргатиш мақсадида ташкил қилинди. Ғолибларга туман партия кенгашининг эсдалик совғалари берилди.

**Чорток туман партия кенгаши** томонидан ўтказилган «Зукколар» кўрик-танловида маърифий йўл билан ёшларнинг террористик ва бошқа турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**ХДП Оҳангарон шаҳар партия кенгаши** «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Оҳангарон — она шаҳрим» шиори остида учрашув ўтказди. Тадбирга маҳалла фаоллари, нуронийлар, афғон уруши қатнашчилари ва билим юртлари талабалари таклиф қилинди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби А.Акбаров йиғилганларга икки палатали парламент тизими, бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамда республика парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловлар ҳақида гапириб берди. Тадбирни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Жамшид Зокиров ва Гавҳар Зокирова олиб боришди.

**Асака шаҳар** «Маънавият ва маърифат» саройида **ХДП шаҳар кенгаши** ҳамда маданият бўлими ҳамкорлигида марҳум шоир Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

**ХДП Наманган шаҳар кенгаши** вилоят молия бошқармаси билан ҳамкорликда молия соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган Исмоил ҳожи Раҳматуллаев ва Мусаввирхон Камоловлар хотирасига бағишлаб футбол бўйича мусобақа ўтказди. Ғолибларга партия кенгаши ва ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

# «Sorb-Teh» — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА





Тошкентдаги «Sorb-Teh» ўз акциядорларининг шахсий сармоялари эвазига ташкил топган ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятидир. Ҳозирги кунда унинг айланма маблағи бир неча ўнлаб миллион сўмга етди. Беш юз квадрат метрга яқин фаолият майдонларида бугунги кунда 150 минг АҚШ доллари ҳажмига тенг замонавий аппаратлар ва ускуналар ўрнатилган.

Корхона акциядорларининг икки нафари кимё, икки нафари тиббиёт фанлари докторлари бўлиб, уларнинг икки нафари профессорлар ҳамдир.

«Sorb-Teh» сувли — тузли эритмалар таркибидаги турли хил металл ионларни ажратиб олишда кутилган натижаларни берувчи 10 хил турда сорбентлар ишлаб чиқаради. Сорбентлар катта ҳажмдаги ичимлик сув манбаларини ҳар хил тузлардан фильтрлаш йўли билан тозалашда қўл келади. Бугунги кунда корхона гидрометаллургия, экология ва тиббиёт соҳалари учун (буюртмачилар талабига кўра ойига ҳар бир тур бўйича 500 килограммгача) сорбентлар ишлаб чиқараяпти.

Жамият жамоаси шу кунларда бошқа устувор ишланмалар устида ҳам изланмоқда. Чунончи, ҳар хил газлар ва нохуш кимёвий компонентларни тозаловчи саноатбоп янги сорбентларнинг замонавий фильтрларини ишлаб чиқариш мўлжалга олинган.

Корхона маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида ҳам ўз харидорларига эга. Санкт-Петербургдаги «Элиника» фирмаси шундай сорбентли фильтрлардан самарали фойдаланаяпти.

— Яқинда яна бир янгилик яратилди, — дейди жамият бош директори Ҳақберди Мисиров. — республика фармокология қўмитасининг рухсатномаси олинган «Бакстимс» номли янги дори-дармон препарати ҳам ишлаб чиқилди. Уларнинг ҳаммаси ягона мақсад — инсон саломатлигини тиклаш ва уни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

**Дилбар ЮСУПОВА**

**Суратларда:** корхона лаборантлари Гулчеҳра Мирзамуҳамедова билан Татьяна Самойлова иш устида; ишлаб чиқарилаётган тиббий дори-дармонлар;

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар**

# ФАН ВА АМАЛИЁТ

Аввало, таркибий-инвестициявий сиёсат ва заҳираларни сақлаш бўйича дастурни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш муаммолари ўрганилди. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг асосий устуворликларидан бири — экспортга йўналтирилган бозор хўжалигини яратишга доир назарий-услубий қарашларни асослаб беришга уриндик. Пировардида, меҳнат бозорининг вужудга келиши, бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли босқичларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тузилманинг барпо этилиши ва амал қилишининг илмий асослари ишлаб чиқилди.

Буларнинг ҳаммаси давлат бошқаруви органларига тақдим этилган тавсияларда ҳам ўз аксини топди. Масалан, олимларимиз иштирокида Ўзбекистон Олий Мажлиси (Парламент) ва давлат бошқарув органлари учун республикада бозор муносабатларини шакллантириш бўйича тайёрланган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини тайёрлашда **(Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги** ва бошқа қонунларда) эътиборга олинди.

**— Ўзбекистон иқтисодий фани соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг қандай резервлари бор, деб ўйлайсиз?**

— Ҳозир шундай катта муаммоларни тадқиқ этиш зарурати етилдики, улар тафаккурнинг тамомила янги даражаси ва кўламида, авлодлар миқёсида фикрлаш қобилиятини тақозо этади.

Хўш, бу билан мен нимани назарда тутаяпман? Аввалабмор **рақобат ва нархни белгилаш муаммоси**ни. Бунда бозор иқтисодиётининг «сири» мавжуд бўлса, у шахсий мулк эмас, балки рақобатдир, деган тезисдан келиб чиқаяпман. Шундай экан, давлат миқёсида ва маҳаллий даражада — ҳокимиятлар даражасида у янги рақобатлаша оладиган корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келиши керак. Бундай корхоналар бозор иқтисодиётининг авангарди бўлиб майдонга чиқиши ҳамда сармоялар, ишлаб чиқариш ва бандлик борасида янги ташаббусларни рағбатлантириши мумкин. Бунда Юртбошимиз қайта-қайта ва алоҳида урғу бериб таъкидлаб келаётганларидек, **янги корхоналар секин-аста ўтмишнинг шакл ва усулларидан узоқлашиши, яъни вертикал интеграция — эскирган технологиялардан фойдаланиш, консерватизм, бошқарувдаги нўноқликдан воз кечилмоғи лозим.**

Тан олиш керак, рақобат — бу шундай нарсаки, у бозор иқтисодиётига инсон фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади ва аксинча, рақобатсиз бозор иқтисодиётни барқарор қила олмайди. «Барча учун фаровонлик» ҳамда «Рақобат орқали фаровонлик» тушунчалари бирбири билан узвий боғлиқ. Бири мақсад бўлса, иккинчиси — яширин иқтисодиётни йўқ қилиб, уни аниқ мақсадга етакловчи йўл.

Нархни белгилаш муаммосига келсак, республикамизда миллий иқтисодиётининг 10 йиллик ислоҳоти давомида нарх белгилаш муаммоси бўйича салмоқли бирор иш қилинмагани мени таажжубга солади. «Иқтисодиёт» бўйича илмий мутахассисликлар ичида «нарх белгилаш» мутахассислиги йўқлигини қандай тушунса бўлади?

Республикамизда замонавий фанга асосланган, экспортга йўналтирилган юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш масаласи бугунги кунда бош вазифага айланишининг боиси ҳам шунда.

**— Институтнинг халқаро алоқалари ҳам борми? Илмий-амалий ҳамкорликлар...**

— Масалан, Ф.Эберт номли Германия жамғармаси билан кенг алоқа ўрнатганмиз. «Ижтимоий фикр» билан ҳамкорликда яқинда **«Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиши ва рақобатдошликни ошириш муаммолари»** мавзусида анжуман ўтказдик. Шунингдек, Германия халқаро ривожланиш жамғармаси, у ердаги йирик иқтисодий институтларидан бири — Иқтисодий тадқиқотлар институти ва Узоқ хорижнинг бошқа институтлари билан алоқаларимиз бор.

МДҲ мамлакатлари иқтисодий институтлари билан қалин ҳамкормиз. Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти (Раҳбари академик Л.И.Абалкин), Россия фанлар академияси ИМЭМО (раҳбари академик Н.А.Симония), Қозоғистон Республикаси МоиН Иқтисодиёт институти (раҳбари профессор М.Б.Кенжегузин) билан илмий-амалий ҳамкорлик шартномалари имзолаганмиз.

2000-2003 йилларда институт томонидан 5 та йирик рисола (шундан 2 таси чет элда) нашр қилинди. **«Ўзбекистон: бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлида ўн йил»** деб номланган рисола ҳамда 2001 йилда босилган қатор мақолалар ҳамкорларимизда айниқса катта қизиқиш уйғотди. Рисола Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази томонидан мамлакатимиз мустақиллиги даврида ижтимоий фанлар бўйича нашр этилган энг яхши монография деб тан олинди.

Польша олимлари билан ҳамкорликда 2001 йилда Варшавада чоп этилган **«Ўзбекистон: тарих-жамият-сиёсат»** монографияси ҳам шундай баҳога сазовор бўлди. Россиялик иқтисодчи-олимлар билан биргаликда яратилган ва Москвада академик Л.И.Абалкин таҳрири остида чоп этилган **«Бозорга ўтиш шароитида давлат бошқаруви: Россия ва Ўзбекистон тажрибаси»** монографиси Россия ҳамда Ўзбекистон жамоатчилиги томонидан қизғин кутиб олинди.

**— Суҳбатимиз охирида ноанъанавий бир савол: дейлик, мана шундай чоғларда Сиз ўзингизга қандай савол берган бўлардингиз ва унга қандай жавоб берардингиз?**

— Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти фанида ҳам, Ўзбекистонда иқтисодий жараёнларнинг ривожланишида ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви борасида ҳал қилиниши лозим бўлган талайгина муаммолар йиғилиб қолган, назаримда. Шунга қарамай, барча тўпланиб қолган саволларга Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан жавоб беришни истайман: **«Халқимиз келажаги, аваламбор, унинг ўзига, миллий онгининг маънавий қудрати ва ижодий кучига боғлиқ... Келажакдаги фаровонлигимизнинг гарови — анъанавий қадриятларимизнинг замонавий демократик жамият билан уйғунлигида...**

Банк ислоҳоти

# ФАКТОРИНГ — МИЖОЗГА ҚУЛАЙЛИК

Факторинг тижорат банклари актив операцияларининг янги турларидан бири ҳисобланади. Факторингнинг асосий моҳияти шундаки, факторинг операциясини амалга ошираётган банк ўз мижозларидан уларнинг бошқа корхоналарга бўлган талабларини сотиб олади ва 2-3 кун ичида уларга пуллик талабларнинг 80 фоиздан 90 фоизгача бўлган қисмини аванс тариқасида тўлайди. Қолган 10-20 фоизи мижозга контрагентдан тўлов суммаси келиб тушгандан сўнг тўланади. Корхона учун факторингнинг афзаллиги шундаки, бу операция орқали корхонанинг ликвидлилиги ошади.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида факторинг операциялари экспорт соҳасида ҳам кенг қўлланилади ва бунда факторингнинг икки шакли мавжуд: «сокин» ва «очиқ» факторинг.

«Сокин» факторингда корхона ўзининг банки билан факторинг шартномаси тузади ва банкни барча тузилган битимлар бўйича доимий равишда хабардор қилиб боради, лекин ўзининг ҳамкорини факторинг шартномасидан хабардор қилмайди. Банк ўзининг мижозига тўлов суммасининг 80 фоизини тўлаб беради. Экспортёр ўзининг ҳамкоридан тўлов суммасини олиши билан банк билан ҳисоблашади. Агар харидор экспортёрга тўловни тўлай олмай қолса, у ҳолда экспортёр харидорни талаб-тўлов банк фойдасига воз кечилганидан хабардор қилади. Энди тўлов суммасини олиш банкнинг зиммасига ўтади.

«Сокин» факторингнинг қийматı тўлов суммасининг 0,5-1 фоизини ташкил қилади. Бунга экспортни молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг бозор фоиз ставкалари ҳам қўшилади.

«Очиқ» факторингда экспортёр талабнинг банкка сотилганлиги тўғрисида харидорни хабардор қилишга мажбур. Бу тизимда банк мижознинг тўлов суммасини тўлиқ олишига кафолат беради. Бунда ҳам дастлаб тўлов суммасининг 80 фоизи тўлаб берилади. Агар экспортёр айрим сабабларга кўра, экспорт тушумини ололмаган тақдирда ҳам банк маълум муддат ўтиши билан экспортёрга тўлов суммасини тўлиқ тўлаб беради. Лекин бундай ҳолатда экспортёр учун комиссион тўлов ставкаси кўтарилади. Ҳозирги вақтда факторинг ҳақи ўртача 0,7-1,5 фоизни ташкил этади.

Ривожланган мамлакатларнинг банк амалиётида факторинг кредитлашнинг юқори даромад келтирадиган шакли ҳисобланади. Чунки факторингда банк кредитнинг фоизидан ташқари кўрсатилган хизмат учун алоҳида комиссион тўлов ҳам олади.

Республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида факторинг операциялари салмоғининг нисбатан камлиги факторинг операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради. Факторинг операцияларини ривожлантириш банк активларининг даромадлилигини оширишга сезиларли даражада ҳисса қўшади.

Назаримизда, республикамизнинг тижорат банкларида факторинг операцияларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

Республикамизнинг тижорат банкларида факторинг операцияларини амалга оширувчи бўлимни алоҳида ташкил этиш ва факторинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ҳам бўлим ходимлари юритиши лозим. Факторинг операциялари бўйича бухгалтерия проводкалари ва ҳисоб-китоблар бухгалтерия бошқармасида эмас, балки факторинг бўлимининг ўзида амалга оширилиши зарур. Банкнинг кредитлаш бошқармаси барча турдаги кредитларни тасдиқлаш ва расмийлаштириш учун жавобгар бўлиши мумкин. Фақат факторинг кредитлари учун улар жавоб бермаслиги керак.

Экспорт операциялари билан боғлиқ факторинг операциялари ҳажмини ошириш лозим. Айниқса, кичик бизнес корхоналарининг экспорт операцияларига нисбатан факторинг операцияларини кенг кўламда қўллаш, биринчидан, экспортёрларга валютавий тўловга қобиллигини ошириш имконини беради, иккинчидан, банкларга юқори даромад келтиради.

Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарининг экспорт тушумларини мажбурий сотишдан озод қилинганлиги экспортёрлар учун банкларнинг факторинг хизматларидан фойдаланишлари учун қулай шароитдир.

**Анвар РАШИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамияти ҳақида

# МЕҲР-ШАФҚАТ ТИМСОЛЛАРИ

Дунёда шундай одамлар борки, улар бизга меҳр улашиб яшайдилар, иш фаолиятларининг бош мезони ҳам меҳр-шафқат кўрсатишдир. Улар на миллат, на мазҳаб ва на чегара биладилар, яъни Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамияти ҳамда унинг кўнгилли волонтёрларидир.

Яқинда жаҳондаги барча меҳр-шафқат эгалари бугун ўз касб байрамларини нишонламоқдалар. Зеро, юртимизда ҳам халқаро ташкилотнинг бўлими фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти миллий кенгаши ташкилий ишлар бўлими бошлиғи **Тоҳиржон САБИТОВ** билан жамиятнинг бугунги фаолияти тўғрисида суҳбатлашдик.

**— Айтинг-чи, ушбу жамиятининг ташкил топиши ва бош тамойили нималардан иборат?**

— Маълумки, жамиятимиз мустақиллигимиз билан деярли тенгқур. 1992 йилнинг 28 майида Юртбошимизнинг ташаббуси билан ташкил топган, яъни «Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. 1995 йилнинг декабрида жамият Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари федерациясига аъзо этиб қабул қилинди. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ходимлари, фаоллари, волонтёрларининг ҳамда Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой ҳаракатининг бош мақсади, етти тамойили — инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, ягоналик ва умумийликка амал қилган ҳолда ёрдамга муҳтож инсонларга кўмаклашишдан иборат.

**— Юртимизда 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили. Меҳр-шафқат ходимлари бу борада қандай иш олиб боряпти?**

— Меҳр ва мурувват кўрсатиш бу бизнинг азалий шиоримиз, фаолиятимизнинг илдизидир. Ходимларимиз ва волонтёрларимиз ҳар йили донорлар ёрдамида 300 минг нафарга яқин ёлғиз кексалар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим болалар, ҳар хил табиий офатлардан жабрланганларга тиббий ва бошқа ижтимоий ёрдам кўрсатяптилар. Бу борада «Меҳр-шафқат» тиббий-ижтимоий хизмат тизимидаги 360 нафар ҳамшираларимиз 6000 нафардан ортиқ ёлғиз ногирон ва қарияларга, фахрийларга, 100 нафар кўп болали ва кам таъминланганларнинг хонадонларига бориб хизмат кўрсатяпти, аҳолини биринчи ёрдам кўрсатиш малакасига ўргатиш учун 35 та тиббий-ижтимоий марказлар ташкил қилинди. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи (ХИҲ) билимларини тарғибот этиш билан махсус волонтёрларимиз шуғулланадилар, барча вилоятларда «Инсонлар ва урушлар» фотокўргазмаси ўтказилмоқда.

Шунингдек, қидирув хизмати юзлаб одамларга урушлар, ҳарбий можаролар вақтида алоқа узилиб қолган яқинларини топишда ёрдам беради. 1997 йилдан буён жамиятимиз халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамияти федерацияси, Швеция, Нидерландия ва Америка Қизил хочлари ёрдамида «Ривожланиш» дастурини амалга ошириб келяпти. Бир сўз билан айтганда, биз одамлар орасидамиз, уларга моддий-маънавий мададга шошилиб яшаймиз.

**— Меҳр-шафқат коллежининг фаолиятига тўхталсангиз, яна бир савол: волонтёрлар ким ўзи?**

— «Меҳр-шафқат» бу тиббий-итимоий йўналишдаги ягона ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир. Бу тиббий илм даргоҳида 300 нафардан зиёд йигит-қизлар ўқийдилар. Коллежимизда учта — тиббий-ижтимоий, педагогика ва иқтисодий бўлимлари бор. Коллеж кексалар пансионатини, 23-сонли болалар уйини, ногирон болалар уйини ўз оталиғига олган. Коллежнинг бош биноси қайта таъмирланди. Яқин келажакда икки қаватли биномиз ёнига туташ янги корпус қурилади. Бу масканда меҳр-шафқатга ўқитадилар. Волонтёрлар кимлар? Улар оддий одамлар, жамиятга ихтиёрий ёрдам берадилар, ҳеч қандай мукофот, моддий манфаат кўрмайдилар. Бутун дунёда шундай кўнгиллиларни волонтёрлар деб атайди. Волонтёр бўлиш учун миллат, дин, эътиқод, ёш, ижтимоий келиб чиқишнинг аҳамияти йўқ. Муҳими — оққўнгиллик, бағрикенглик, сахий қалб, пок виждон.

Волонтёрлик ҳаракатига дастлаб 1859 йилда швейцариялик Анри Дюнанинг франко-австрия урушидаги ярадорларга кўрсатган тиббий ёрдами туфайли асос солинганди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳар бир давлатда волонтёрлик модели ўзига хос, давр талабига қараб ўзгариб туради.

Ўзбекистонда кўнгиллилик ҳаракатини амалга оширишда маҳаллий маданиятга, анъаналарга таянамиз, ҳашарлар, Ҳайит, Наврўз байрамларида ёши улуғларни йўқлаш, болаларга совғалар улашиш, маҳаллада қўни-қўшничилик ва бошқа миллий анъаналаримизга асосланамиз.

Битта мисол. Муҳаббат Ҳақбердиева Нурота туман марказий касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. У кўнгилли сифатида Қизил ярим ой жамияти ғамхўрлигида бўлган 20 нафар инсонларга тиббий хизмат кўрсатяпти. Ёки ёш волонтёрларимиз ҳақида айтайин. Андижон вилоят кенгаши ёшлар бўлимининг асосий волонтёрлари мактаблардаги юқори синф ўқувчилардир. Улар шаҳар экологиясини асрайди, шиша идишлар ва синиқ шиша парчаларини йиғадилар. Тушган маблағ ёлғиз кексаларга сарфланади. Бундай волонтёрларимизнинг сони 10 мингдан ортиб кетди, борган сари унинг кўлами кенгайиб, одими тезлашиб бормоқда. Улар ҳар йили 5 декабрда ўзларининг Халқаро волонтёрлар кунини байрам қиладилар.

Ҳар биримиз, аслида, қайсидир маънода худди улар каби волонтёрлармиз, чунки қалбимизда ўзганинг мушкулини енгил қилиш энг эзгу, холис ният бўлиб яшайверади.

Биз меҳр-шафқат тимсолидай, ҳар кўнгилга кириб борамиз.

**Суҳбатдош: Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## XORIJDA

### ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ МУМКИН



Польшанинг янги бош вазири Марек Белька Польшанинг Ироқдаги ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетишни режаламоқда. Бу ҳақда мамлакат бош вазири ўринбосари Изабела Ярагу-Новацка «Жаче Варшавы» газетаси мухбирига маълум қилди.

М.Бельканинг ваъда беришича, ё контингент олиб чиқиб кетилади, ёки унинг мақоми ўзгартирилади. Негаки, сеймнинг кўпгина депутатлари айнан шуни талаб қилмоқдалар.

Мамлакат Президенти А.Квасневский эса ўтган чоршанбада Лондонга ташрифи чоғида контингент Ироқдан олиб чиқилмаслиги ҳақида баёнот берди. Бироқ белгиланган муддатдан бир кун ҳам ортиқ у ерда ушлаб турилмаслигини алоҳида уқтирди.

Маълумки, М.Белька шу йил 2 майда, яъни Лешка Миллер раҳбарлигидаги Вазирлар Маҳкамаси истеъфога чиққач, унинг ўрнини эгаллаган. Унгача у Ироқда муваққат ҳукуматнинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаган.

### СУВЕРЕНИТЕТ ҲУҚУҚИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАНДИ

Иордания дарёсининг ғарбий қирғоғида, Ғазо секторида ва Шарқий Қуддусда Фаластин мухториятининг суверенитет ҳуқуқига эгалигини тан олиш ҳақидаги резолюция БМТ Бош Ассамблеясида кўпчилик овоз билан маъқулланди, дея хабар беради Associated Press агентлиги. Шунингдек резолюцияда бу ҳудудлар 1967 йилги урушдан сўнг Исроил томонидан ишғол қилинган, дея тан олинди. Араб давлатлари томонидан тайёрланган мазкур резолюция учун 140 давлат овоз берди. АҚШ, Исроил, Маршал, Микронезия, Науру ва Палау ороллари қарши чиқишди, 11 давлат делегацияси эса бетараф қолди.

Бу резолюция жаҳон жамоатчилиги фикрини намоён этувчи ҳужжат бўлиб, у бирор-бир санкция қўллашни назарда тутмайди.

Яна бир гап. «Ha`aretz» газетаси хабар беришича, бу ҳафтада, тахминан 17 майда АҚШнинг давлат хавфсизлиги масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс билан Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Курей Германияда учрашадилар.

Оқ уй тарқатган манбаларга қараганда, Яқин Шарқда вазиятни барқарорлаштириш ва «Йўл харитаси»ни амалга оширишни назарда тутувчи Исроил бош вазири Ариэл Шароннинг Ғазо сектори ва Ғарбий қирғоқдан аҳолини кўчириш борасидаги режасини Райс хоним Аҳмад Курейга топширишни кўзлаб турибди.



### КОМПЬЮТЕР ТАРМОҒИДА ЯНГИ ВИРУС ЭПИДЕМИЯСИ

Internet тармоқларида пайдо бўлган янги вирус (уни Sasser деб аташмоқда) тарқалиши тезкорлик билан кенгайиб, эпидемияга айланиб бормоқда. У асосан «Windows 2002», «Windous XP», «Windous 2000 Server» ва «Windous 2003 Server» операция тизимларининг энг нозик LSASS хизматини ишдан чиқаради.




Шу кунгача ушбу вирус дунё бўйича Internet тармоғига уланган 1 миллиондан ортиқ компьютерни ишдан чиқарди.

Экспертларнинг фикрича, бу рақам 3 миллионтагача етиши мумкин экан. Энг кўп зарар кўрганлар — British Airways ва Delta Air Lines авиакомпаниялари, Goldman Sach ва Westpac Bank сингари банклар бўлди.

Sasser вируси авваллгилардан шуниси билан фарқланадики, у электрон почта орқали тарқалмайди, балки ундан фойдаланувчиларнинг ҳаракатлари натижасида у фаоллашади.

Sasser 1 май куни Internet тизимида пайдо бўлган, дейилади BBC ахборотида.

CNN хабар беришича эса унга қарши курашнинг янги усули ҳали ишлаб чиқилмаган, лекин мутахассислар анъанавий кураш усулини тавсия этмоқдалар. Яъни «Windous Update» сайтидаги операция тизимини мудом янгилаб туриш, антивирус дастури ёрдамида компьютер тизимини текшириш ва унинг базасини ҳам янгилаб туриш лозим. Шунингдек, Sasserдан ҳимояланиш учун алоқалараро экран (файрволлар) ўрнатиш тавсия этилади.

Ушбу вирусни яратган хакерни топиш учун 250 минг АҚШ доллари мукофот жорий этилди.

Тафсилот

# ГРОЗНИЙДА ТЕРРОР СОДИР ЭТИЛДИ



Якшанба куни Чеченистон пойтахти Грознийдаги «Динамо» стадионида Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 59 йиллиги муносабати билан байрам тантаналари ўтказилаётган пайтда, яъни эрталабки соат ўн яримда террор содир этилди. Натижада Чеченистон Президенти Аҳмад Қодиров, давлат кенгаши раиси Ҳусейн Исаев, журналист Адлан Ҳасанов ҳамда Қодиров соқчиларидан икки нафари ва бир бола ҳалок бўлди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, жабрланганлардан бири кеча шифохонада вафот этган. Шундай қилиб ҳалок бўлганлар сони 7 кишига етди. 63 киши эса турли даражада тан жароҳати олди. Улар орасида республика ички ишлар вазири, ҳарбий комендант ва бирлашган қўшинлар қўмондони ҳамда бошқа раҳбарлар бор.

Жароҳатланганларнинг барчаси тезда шифохоналарга ётқизилди.

Стадион трибунасида портлаш юз бергач, барча томошабинлар дарҳол хавфсиз жойга кўчирилган ва сапёрлар трибунани текширишга киришганлар. Буни қарангки, иккинчи мослама ҳали портлашга улгурмаган экан.

Прокуратура мазкур террор юзасидан жиноий иш қўзғади. Йўлларда постлар ташкил этилди, паспортлар текширилмоқда. ИИВ маълумотларига қараганда, беш киши террорда гумонланиб қўлга олинган.

Аниқланишича, байрам тадбирлари ўтказилишидан бир неча кун аввал стадион трибунаси қайта таъмирланган эди. Портловчи мослама ўшанда ўрнатилган. Бироқ, байрамдан олдин махсус хизмат у ерни текшириб, ҳеч нарса топмаган. Демак, террор аввалдан режаланган ва шу режа асосида иш олиб борилган.

— Чеченистон Президенти ўз вазифасини ватанга садоқат руҳида матонат билан бажарди, — деди Россия Президенти Владимир Путин Аҳмад Қодировнинг ўғли Рамазон Қодиров билан учрашувда.

*Марҳум Президент Аҳмад Қодиров ҳақида қисқача маълумот:*

*1951 йил 23 августда Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳрида туғилган.*

*Бухоро мадрасасини ва Тошкент Ислом институтини тамомлагач, Гудермес туманидаги шоличилик хўжалигида, кейинчалик Ноқоратупроқ ва Сибирдаги қурилиш ташкилотларида ишлаган.*

*1989 йили Шимолий Кавказда Ислом институтини очган ва Чеченистонда уруш бошлангунча (1994 йилгача) унга ректорлик қилган. Уруш даврида федерал қўшинларга қарши олиб борилган жангларда қатнашган.*

*1995 йили республика муфтийлигига сайланган. 1999 йилда эса Аслан Масхадов фармонига кўра вазифасидан бўшатилган. Унга уч марта суиқасд уюштирилган.*

*2000 йил Россия Президенти фармонига кўра республика маъмурияти раҳбарлигига тайинланган.*

*2003 йил 5 октябрда эса Чеченистон президентлигига сайланган. 4 нафар фарзанднинг отаси.*

Мазкур террор жаҳон жамоатчилигини бефарқ қолдирмади. АҚШ маъмурияти, Украина, Эрон, Испания, Франция, Европа Иттифоқи ушбу хунрезликни муҳокама этиб, Чеченистон маъмуриятига ҳамдардлик телеграммалари йўлладилар.

Республикада уч кунлик мотам эълон қилинди.

Чеченистон Конституциясига кўра, ҳукумат раиси Сергей Абрамов республика раҳбари вазифасини вақтинча бажариб туради.

